



2016 у.г. «18» ноябр №2792-К Самарқанд т.-р. Самарқанд

“НАКИМБЕК УЛУГ’БЕК” масъулияти чекланган жамиятига “Охактош кони очиш ва майдалаш цехи” қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигида оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг 2015 йил 7 сентябрдаги 02-06/1-303 сонли йиғилиш баёни, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2015 йил 6 мартдаги 18/5703-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ҳамда Самарқанд туманида фаёлият кўрсатаётган “НАКИМБЕК УЛУГ’БЕК” масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқанд туман “НАКИМБЕК УЛУГ’БЕК” масъулияти чекланган жамиятига “Охактош кони очиш ва майдалаш цехи” қуриш учун тумандаги “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Меҳробод-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 801к контуридан жами 10,0 га (шундан 10,0 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар ҳисобидан) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2017 йил 01 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З.Зоҳидов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га топширилсин.

4. Самарқанд туман “НАКИМБЕК УЛУГ’БЕК” масъулияти чекланган жамиятига “Охактош кони очиш ва майдалаш цехи” қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси “НАКИМБЕК УЛУГ’БЕК” масъулияти чекланган жамиятига топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими:

Б. Кадиров